2006 йил, 6 февраль, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 24 (10.581)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ТЎҒРИСИДА

**ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИ — ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ ХАЛҚИМИЗ ОЗОДЛИГИНИНГ, АЖДОДЛАРИМИЗ АСРЛАР ДАВОМИДА ОРЗИҚИБ КУТГАН ВА МУТТАСИЛ ИНТИЛИБ ЯШАГАН, БУГУНГИ АВЛОДЛАРГА НАСИБ ЭТГАН ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ БЎЛМИШ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ МУҚАДДАС РАМЗИДИР.**

Кейинги йилларда Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тубдан қайта таъмирланди, Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси каби муҳташам меъморий иншоотлар, яшил майдон ва хиёбонлар барпо этилди. Айни вақтда янги Маъмурий бино, Бизнес маркази қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Бундай катта бунёдкорлик ишлари туфайли бугунги кунда бу масканнинг нафақат қиёфаси ўзгаргани, балки унинг бутунлай янгича маъно-мазмун касб этганини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик майдонининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган муҳим ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида:

1. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Маҳалла» жамғармаси,«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Бадиий академияси ва кенг жамоатчиликнинг Мустақиллик майдонида бунёд этилган, ўзида Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги монументга Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ байрамлари ҳамда давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш расмий маросими жорий этилсин.

3. Ўзбекистонга ташриф буюрадиган чет эл давлатлари раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, хорижий делегациялар вакиллари ва бошқа расмий меҳмонларнинг давлат протоколига киритилган ҳолатларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш маросимининг тартиби тасдиқлансин.

4. Мустақил тараққиётимиз, миллий қадриятларимиз билан боғлиқ муҳим саналар, касб байрамларини нишонлаш, тантана ва анжуманлар ўтказиш муносабати билан Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш расмий маросими, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А.Тўхтаев) «Ўзбектуризм» миллий компанияси (Р.Қурбонов) билан биргаликда, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг, сайёҳлик гуруҳларининг Мустақиллик майдони, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира хиёбонини зиёрат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов) мамлакатимиз аҳолиси ва чет эллик меҳмонлар учун «Мустақиллик майдони»деб номланган рангли-безакли откритка ва буклетларни нашр этсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва республика оммавий ахборот воситаларига Мустақиллик майдонида амалга оширилган ишлар, бу ерда ўтказиладиган тадбирларни мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2006 йил 3 февраль*

## ИЖОДИЙ САФАР БИЛАН МОСКВАДАН ТОШКЕНТГА

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 16-26 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ ДУНЁДА НОМ ҚОЗОНГАН ТЕАТР ЖАМОАЛАРИДАН БИРИ — К.СТАНИСЛАВСКИЙ ВА В.НЕМИРОВИЧ-ДАНЧЕНКО НОМИДАГИ МОСКВА МУСИҚИЙ АКАДЕМИК ТЕАТРИНИНГ БАЛЕТ ГУРУҲИ ИЛК МАРОТАБА ТОШКЕНТДА ИЖОДИЙ САФАРДА БЎЛАДИ.**

Ижодий сафар давомида мазкур гуруҳ репертуаридаги энг оммабоп асарлар — “Оққуш кўли”, “Дон Кихот”, “Жизель ва “Щелкунчик” сингари спектакллар мамлакатимиз санъат ихлосмандларига намойиш этилади.

Кутилаётган ушбу ижодий сафар муносабати билан мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мусиқий театрнинг матбуот атташеси Дмитрий Абаулин тахминан юз нафар иқтидорли санъаткорни ўз атрофига бирлаштирган жамоа тўла таркибда Тошкентга келишини маълум қилди. Унинг айтишича, спектакллар А.Навоий номидаги давлат академик Катта театрининг симфоник оркестри жўрлигида намойиш этилади. Шу боис москвалик театр дирижёрлари ва концертмейстерлар ўзбекистонлик театр мусиқачилари билан биргаликда тайёргарлик кўриш учун муддатидан олдин Тошкентга келишади.

Матбуот анжуманда “Росзарубежцентр” ваколатхонасининг раҳбари Татьяна Мишуковская сўнгги йилларда Ўзбекистон — Россия маданий ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётгани хусусида тўхталар экан, жорий йили бу соҳада амалга оширилиши кўзда тутилаётган ўзаро ҳамкорлик режалари тўғрисида тадбир иштирокчиларига атрофлича маълумот берди.

**Феруза ҒУЛОМОВА**
**“Жаҳон” АА**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **ЎТГАН** куни Тошкент Давлат авиация институтида «Гиёвандликка қарши кураш» мавзуида уюштирилган тадбирда Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари ва талабалар иштирок этишди.

● **БУГУН** Абдулла Авлоний номидаги Тошкент шаҳар педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида ўтказилган «Алишер Навоий — маънавиятимиз даҳоси» мавзуидаги маънавий-маърифий тадбир шеърият мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига бағишланди.

● **БУГУН** «Шарқ гули» маҳалласида 6-оилавий поликлиника шифокорлари, маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг Учтепа туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати «Ёшлар — гиёвандликка қарши» мавзуига бағишланди.

● **БУГУН** 291-мактабда Бектемир туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида уюштирилган семинар «Алишер Навоий — буюк сиймо» деб номланди.

● **БУГУН** «Навбаҳор» маҳалласида Қизил Ярим Ой жамиятининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан ёшлар иштирокида биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланган ўқув семинари ўтказилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 206-мактабда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбирда гигиена қоидаларига риоя қилишнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман етакчилар Кенгаши аъзолари Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан 2-мурувват уйи ҳамда 24-Меҳрибонлик уйида бўлишиб, тарбияланувчиларга эсдалик совғалари туҳфа этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

### Қўшма корхоналарда

**ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТЛИ БЎЛСА, АЛБАТТА БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИНИ, ХАРИДОРИНИ ТОПАДИ. ШУНИНГ БАРОБАРИДА УНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН КОРХОНАНИНГ ҲАМ МАВҚЕИ ЮКСАЛИШИ ТУРГАН ГАП.**

## РОССИЯДА САВДО УЙИ ОЧИЛАДИ



Ўтган йилда маҳаллий хом ашёдан сифатли ва чидамли пойабзалларнинг ўндан ортиқ янги турини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, харидорларга тортиқ этган “VISO” очиқ турдаги акциядорлик жамияти Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси тадбиркорларининг жорий йилдаги эзгу ниятлари юксак. Айни кунларда махсус оёқ кийимлар ҳамда эркаклар, аёллар ва болалар пойабзалларининг янги моделларини яратиш йўлида саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилганлиги бундан далолатдир. Ўтган йилгача пойабзалларнинг 70 та мавсумбоп турлари яратилган бўлса, 2006 йилда уларни яна 15-20 тага кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Шуниси эътиборлики, ички бозорни чидамли, иқлим шароитига мос, қулай пойабзаллар билан таъминлаётган корхона аҳли ҳамкорликни янада ривожлантириб Россия давлати ва шу орқали барча Ҳамдўстлик давлатларига ҳам маҳсулот экспортини йўлга қўйишни режалаган. Шу боис ҳам улар яқинда Москва шаҳрида ўтказилган махсус оёқ кийимлари кўргазмасида турли моделдаги маҳсулотларини намойиш этишди. Таъкидлаш жоизки, ярмарка иштирокчиларининг ушбу корхонада тайёрланаётган янги моделдаги пойабзалларига эътибори катта бўлди. Бу, албатта экспорт ҳажмининг янги буюртмалар орқали ортишида муҳим аҳамиятга эга. Москва шаҳрида корхонанинг савдо уйини ҳам очиш кўзда тутилганлиги қувонарлидир.

Айни пайтда 100 нафардан зиёд пойабзалчи меҳнат қилаётган қўшма корхонанинг тажриба-синов лабораторияси бўлиб, у ерда дизайнер-модельерлар ҳамиша изланишда. Чунки барча янги турдаги пойабзал нусхалари аввало мана шу лабораторияда тайёрланиб, синовдан ўтказилади. Бунинг учун эса бозорни, харидор дид ва эҳтиёжини ўрганиш жуда муҳим.

— Лабораторияда меҳнат қилаётган мутахассисларимизнинг юксак малакаси, цехларимизга ўрнатилган хорижий линияларнинг қуввати ҳамда пойабзалчиларимизнинг маҳорати, шунинг баробарида сифатли хом ашёдан фойдаланиш талаблар даражасидаги пойабзаллар ишлаб чиқаришда жуда муҳимдир, — дейди корхона директорининг тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича ўринбосари Шавкат Хонбобоев.— Ўтган йилда цехларимизга қўшимча линиялар ўрнатишга муваффақ бўлдик. Улар орқали жорий йилда болажонларимиз учун ҳам пишиқ-пухта, қулай оёқ кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.



Нафақат ички, балки хориж бозорини ҳам ўрганаётган пойабзалчилар маҳсулотнинг сифати ва кўринишига эмас, балки нархига ҳам эътибор қаратишади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида харидор эҳтиёжини ҳам инобатга олиш муҳим-да. Шунингдек, мамлакатимизда ўтказилаётган ҳар бир савдо кўргазмалари ва ярмаркалардаги иштироки ҳам харидорлар сафи ортишида, буюртмалар кўпайишида тадбиркорларга ёрдам бермоқда.

Мақсад аниқ — ички бозорни хорижникидан сифати билан асло қолишмайдиган оёқ кийимлари етказиб бериш баробарида ўз маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириб, хориж бозорида ҳам харидорини топишидир. Бунинг учун эса бугунги кунда изланишлар давом этмоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА:** **Гулчеҳра Аҳмедова сифатли пойабзал тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда; оператор Аббос Қозоқбоев хорижий линияни моҳирлик билан бошқаради.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисини 2006 йил 24 февраль куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Тошкентдаги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг республика Камқонлик марказида темир танқислиги камқонлиги, фолий танқислиги масалаларига бағишланган брифинг ўтказилди. Брифингда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ Халқаро ташкилоти ҳамда Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти вакилларининг маърузалари тингланди.

● Тошкент вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини ташкил этиш масалаларига бағишланган маслаҳат йиғилиши ўтказилди.

● Наманганда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Болаларнинг бегонаси бўлмайди» шиори остида хайрия тадбири ўтказилди. Бир ой давом этган акция давомида вилоят марказидаги учта олий ўқув юрти талаба қизлари кийим матолардан 5 минг донадан ортиқ ранг-баранг ўйинчоқлар, турли эртак қаҳрамонларини ясадилар. Тадбирнинг якунловчи қисмида ўйинчоқлар ўз эгаларига топширилди.

● Бухоро вилояти ички ишлар идораларида 60 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилади. Улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариш билан бирга, оила ишларига ҳам улгуришади. Тизим аёллари ўртасида ўтказилган «Соҳа маликаси» вилоят кўрик-танловида ҳам айнан шу жиҳатлар эътиборга олинди.

● «Қўқон 2-пахта тозалаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятида яқинда яна бир янгилик жорий этилди — Испаниядан замонавий технологиялар келтирилиб, ўрнатилди. Бир кеча-кундузда 60 тонна уруғни саралаш, дорилаш ҳамда қадоқлаш қувватига эга мазкур ускуна завод иқтисодий салоҳиятини яхшилашга хизмат қилмоқда.

● Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят Кенгаши шу йилнинг биринчи чорагини касаба уюшмалари уч ойлиги, деб эълон қилди. Қишлоқдаги ишлар бирмунча енгиллашган бу пайтда фаоллар деҳқон ва фермер хўжаликлари касаба уюшма ташкилотларида бўлиб, ташкилий-оммавий, ижтимоий ҳимоя, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси масалаларини ўрганиб, касабақўм раисларига амалий ёрдам кўрсатяптилар.

● Ўзбекистон Тарихи давлат музейида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган «Ўзбекистонда илм-фан тараққиёти» деб номланган кўргазма ўтказилмоқда. Уни ташкил этишда музейга Шарқшунослик, Археология илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа илмий марказлар яқиндан ёрдам беришди.

### ЖАҲОНДА

● Италия Сенати Сильвио Берлускони ҳукуматига яна бир бор ишонч билдирди. 159 нафар сенатор амалдаги давлат раҳбарини қўллаб-қувватлади. Бор-йўғи 3 нафар депутат қарши овоз берди. Мазкур масала мамлакатдаги сайловолди жараёнларида сиёсий партиялар ва ҳаракатлар четдан молиялаштирилган, деган маълумотлар пайдо бўлгандан сўнг Сенат ҳукмига ҳавола этилганди.

● Саудия Арабистонининг Дуба шаҳридан Мисрнинг Сафаги порти сари йўл олган «Al-Salam Boccaccio -98» деб номланган кема бортидаги 1414 нафар йўловчи билан Қизил денгизда фалокатга учраган. Тезлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида очиқ денгизда қолиб кетган 400 нафардан ортиқ кишининг ҳаёти сақлаб қолинди.

● Филиппин пойтахти Манила яқинидаги шаҳарчада жойлашган стадионда ўтказиладиган оммабоп шоу учун чипта олишга навбатда турган 30 минг киши ўртасида ваҳима ва тўс-тўполон кўтарилиши натижасида 72 киши ҳаётдан кўз юмди, 280 нафар киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Жаҳондаги метролар сони яна биттага кўпайди. Италиянинг Турин шаҳрида қишки Олимпиада ўйинлари бошланишидан олдин 15 станциядан иборат автоматик тарзда ҳаракат қиладиган янги метро йўналиши ишга тушди. Барча хавфсизлик қоидалари ҳисобга олиниб, бунёд этилган метро поездлари ҳайдовчисиз, компьютер орқали бошқарилади.

● Москва шаҳрида жойлашган жаҳондаги энг йирик меҳмонхоналардан бири бўлган «Россия» меҳмонхонасини бузиш ишлари тез кунларда бошланади. Қизиғи шундаки, меҳмонхонадан ажратиб олинган блоклардан шаҳарда ҳозирда талаб юқори бўлган яна бир нечта 2 ва 3 юлдузли кичик меҳмонхоналарни қуриш мўлжалланмоқда.

# ОИЛА — МУҚАДДАС МАКОН

**ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАГАНЛАРИДЕК, СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ. ШУ БОИС МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, АЙНИҚСА ЁШ АВЛОДНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИШИ УЧУН БАРЧА ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА.**

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

—Қурилаётган янги оиланинг тамал тоши мустаҳкам бўлиши учун аввало, келин-куёв соғлом бўлиши зарур, — деди бошқарма фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) бўлими мудираси Гулнора Иномжонова ЎзА мухбирига. — Шу боис турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиши ҳукуматимиз қарори асосида белгилаб берилди. Бир қарашда бу уларнинг шахсий ишига ўхшаб туюлади. Аммо оила жамиятнинг кичик бир бўлаги эканини ҳисобга олсак, унда дунёга келажак фарзандлар келажаги, халқимиз саломатлигини ўйлаб амалга оширилаётган бундай тадбирларнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади. Бундай хайрли ишларнинг аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш, соғлом авлодни вояга етказиш, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашга мамлакатимизда давлат аҳамиятига молик масала деб қаралаётгани яна бир бор намоён бўлади. Шу боис биз, ФҲДЁ ходимлари бу борада кенг қамровли тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз.

Айни йўналишда бошқармамиз шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Пойтахтимиз туманларида фаолият юритаётган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ҳузурида ташкил этилган «Оила дорилфунуни» имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу ерда шифокор, ҳуқуқшунос, руҳшунос ва бошқа мутахассислар иштирокида олиб борилаётган суҳбат ва учрашувлар ёшларни бефарқ қолдирмаяпти.

Никоҳдан ўтаётганларга тақдим этиш учун яратилган «Оила — муқаддас даргоҳ» қўлланмаси бўлажак келин-куёвларнинг янги ҳаёт остонасига масъулият билан қадам қўйиш олдидан оилавий муносабатлар ҳақидаги тасаввурларини янада бойитишда қўл келмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, никоҳ уйларига ташриф буюраётган ёшларнинг деярли барчаси, айниқса, тиббий кўрикдан ўтиш масаласига жиддий муносабатда бўлаётир. Ўтган йили адлия бошқармаси тасарруфидаги ФҲДЁ органларида 15 мингдан зиёд никоҳ қайд этилди. Таъкидламоқ керакки, бундай шарафли маросимлар сабабчилари бўлган деярли барча келин-куёвлар тиббий кўрикдан ўтди.

Тизимдаги ҳар бир идора, никоҳ уйида «Тиббий кўрик» бурчаги ташкил этилган. Унда мавзуга оид барча маълумотлардан хабардор бўлиш мумкин. Бошқармада фаолият юритаётган «Ёш оила қурувчилар мактаби»да ҳам соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ ҳаётий, қизиқарли маърузаларнинг ёшлардан иборат доимий тингловчилари кўп. Ҳозирги кунда 15 мингга яқин келин-куёв унда бевосита иштирок этди.

Жорий йилдан бошлаб эса бўлғуси оила соҳиблари шаҳримиздаги Оила маросимлари маркази ҳузурида ташкил этилган «Оила — муқаддас макон» машғулотларида қатнашиш имконига эга бўлдилар.

**Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири**

**ФАРЗАНДИ КАМОЛИНИ КЎРИШ, УНИНГ АҚЛ-ИДРОКИ, ҚУТЛУҒ ИШЛАРИДАН ФАХРЛАНИШ ҲАР БИР ОТА-ОНАГА НАСИБ ЭТСИН-ДА. ОЙИМХОН АЯ ВА ҚЎЧҚОРХОН ОТАЛАР ЖИГАРБАНДЛАРИ АСҚАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛИГИНИ ЭШИТГАНЛАРИДА БЕҲАД МАСРУР БЎЛГАНЛИКЛАРИ, БАХТДАН БЕНИҲОЯ ЭНТИККАНЛАРИ ШУБҲАСИЗ.**

*Нишондорларимиз*

# ЯХШИ НИЯТЛАР ОМАД КЕЛТИРАДИ



— Чиндан ҳам мен меҳнатим туфайли олаётган рағбат ва мукофотларимнинг барчаси азиз волидам ва меҳрибон падари бузрукворим дуоларининг ижобати, тарбияларининг натижасидир, — деб биламан, дейди Тошкент метрополитени «Ўзбекистон» электр депоси машинисти Асқар Йўлдошев. — Яқиндагина якунланган 2005 йилнинг мен учун қутлуғ келганидан бениҳоя фахрланар эканман, Янги йилда билдирилган ишончни оқлашга, одамлар корига бундан-да кўпроқ ярашга интилиш ниятидаман.

Бир-бирини қувалаб йиллар ўтаверар экан. Асқар ҳам 1977 йилда мактабни тугатгач, олий ўқув юртига ҳужжат топширди. Лекин унинг дилида ўз орзу-истаги, ҳаваси бор эди. Бир синфдошининг акаси янги очилган метрода машинист бўлиб ишларди. У кишини кўрганда жудаям ҳавас қиларди. Шу боисми, ҳавас устунлик қилди-да, эртасигаёқ ҳеч кимга билдирмай, ҳужжатларини қайтиб олиб 170-машинист ёрдамчиси тайёрлайдиган билим юртига топширди. Ўқишни тугатиб, йигитлик бурчини ўташга отланди. Хизмат тугаб қайтгач эса, метрога чилангар бўлиб ишга жойлашди. Устозлари— катта уста Зайниддин Зоитов, моҳир машинистлар Геннадий Майоров, Анатолий Пачуевларнинг насиҳатларига, кўрсатмаларига амал қилиб, тажрибаларидан астойдил ўрганиб кам бўлмади.

1984 йилда машинистлар тайёрлайдиган курсни тугатиб, илк орзуси ушалди. Меҳри бўлакча бўлгани учунми, касбини эъзозлади, жамоадаги жамоат ишларида фаоллик кўрсатди. Метро вагонларида ҳар куни ҳамкасблари билан юзлаб, минглаб одамларни манзилларига элтар экан, аввало меҳнат интизомига тўла риоя қилди. Чунки бугунги кунда йўловчиларнинг энг ишончли жамоат транспортига айланиб улгурган метрода тартиб-интизом қатъий, ҳар бир дақиқа ҳисобга олинади. Бу эса хизмат кўрсатувчидан катта масъулият талаб қилади.

Астойдил меҳнатнинг, касбга меҳрнинг тотли мевалари ҳам кўп бўлади. 1997 йилда Асқар Йўлдошевнинг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» деган юксак унвонга муносиб топилгани бунга ёрқин мисолдир. Бундай рағбат нафақат унинг оила аъзоларини, балки касбдошларини, бутун жамоа аҳлини қувонтиради. Шогирдлари Акмал Акбаров, Дилшод Мўминов, Вячеслав Михайловлар ҳам устозидан ибрат олишга интилишди. Ўз навбатида устоз шогирдлардан керакли маслаҳатларини аямайди. Касб сир-асрорларидан сабоқ беришдан чарчамайди.

Ҳаётда инсоннинг ўрнини топиши, меҳнат ва ҳаёт йўлларидаги унутилмас, ҳаяжонли излар ҳамиша ўз-ўзидан бўлмайди. Бу, албатта изланиш, саъй-ҳаракат, керак бўлса машаққатли меҳнатнинг тотли мевасидир.

— Ҳар куни ўз вазифамни бажариб, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини керакли манзилларига элтар эканман, ҳар бирининг иши бароридан келишини тилайман, — дейди илғор машинист. — Зеро мана шундай яхши ниятлар билан бошланиб, эртанги кун ишончи билан якунланган меҳнат соатлари барчамизга омад келтиради.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби Асқар Йўлдошев.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

*Истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида*

# ЭҲТИЁЖЛАР ҚОНДИРИЛМОҚДА

**ҲОЗИРДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ЎЗЛАРИНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ АНГЛАШДА ФАОЛЛИК КЎРСАТИШМОҚДА. ФИКРИМИЗ ИСБОТИНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲУДУДИЙ БИРЛАШМАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛАЁТГАН ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ШИКОЯТ ХАТЛАРИ МИСОЛИДА ҲАМ КЎРИШ МУМКИН. ҚУЙИДА УЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ:**

Чилонзор тумани, Ц-даҳаси, 1-уй, 115-хонадонда яшовчи Дилафрўз Ризаева Чорсу буюм бозоридаги 184-савдо дўконидан 17.000 сўмлик аёллар туфлисини харид қилади. Бироқ пойабзал икки хил бичимда бўлгани боис, сарф этилган маблағ истеъмолчига қайтариб берилган.

* * *

Шайхонтоҳур тумани, Ц-13 даҳаси, 23-уй, 34-хонадонда истиқомат қилувчи Ильмира Тойчинова "Ўриксор" буюм бозоридаги 3-блок, 45-савдо дўконидан 29.000 сўмлик аёллар қишки пойабзалини сотиб олган эди. Аммо кўп ўтмай маҳсулотнинг яроқсизлиги сезилиб қолади. Тегишли ташкилотнинг аралашуви билан сарфланган харажат истеъмолчига ундириб берилган.

* * *

Яккасарой тумани, Тошбулоқ кўчаси, 42-уйда яшовчи Д.Абдуваҳобовга тегишли телефон линияси сабабсиз узиб қўйилган. Текширув ва ўрганиш натижаларида истеъмолчининг шикояти ўринли эканлиги ўз исботини топди. Ҳозирда тегишли маъмурият 3120 сўмлик моддий зарарни тўлаган.

* * *

Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-4 даҳаси, 38-уй, 3-хонадонда яшовчи Рахии Орунова Навоий савдо ярмаркасидаги "Эриксон" савдо дўконидан 30.000 сўмлик электро миксер харид қилган. Дўкон сотувчилари истеъмолчига маҳсулотнинг сифат кафолатини 3 йилга белгилашган эди. Ваҳоланки, маҳсулот бор-йўғи 1 йилгина ишлади холос. Шундан сўнг истеъмолчи тегишли ташкилотга ариза билан мурожаат қилган. Ҳозирда вазият тўғри ва холис тарзда ўрганиб чиқилиб, сарфланган харажат Р.Орунова фойдасига ҳал этилган.

* * *

Юнусобод тумани, 18-даҳа, 33-уй, 169-хонадонда яшовчи Арзу Карим ўғли Навоий савдо ярмаркасидан 81.000 сўмлик фритюрница (ошхона жиҳози) харид қилган. Гарчи маҳсулотга 1 йилга кафолат берилган бўлса-да, у 1 ойга борар-бормас ишламай қолади. Шундан сўнг истеъмолчи Арзу Карим ўғли мазкур савдо ярмаркасидаги сервис хизматига мурожаат этади. Бироқ бу ердаги усталардан: "Тузата олмадик," деган совуққина жавобни олади. Тегишли ташкилотнинг аралашуви билан сарфланган харажат ундириб берилган.

* * *

Шайхонтоҳур тумани, 2-мавзе, Эшон Бобохон кўчаси, 32-уйда истиқомат қилувчи Сурьат Маҳмудов "ЎзДЭУэлектроникс» қўшма корхонасига тегишли 7-фирма дўконидан "LG Electronics" русумидаги рангли телевизорни 230000 сўмга харид қилади. Дўкон сотувчилари истеъмолчи С.Маҳмудовга телевизорнинг ишлаш кафолати 3 йилгача дея ишонч хати ёзиб беришади. Бироқ орадан ҳатто 3 кун ҳам ўтмасданоқ маҳсулотнинг техник носозлиги сезилиб қолади. Уни тузатишга қаратилган харажатлар ҳам қумга сингган сув мисоли бесамар кетади. Бугунги кунга келиб, истеъмолчилар ҳуқуқларига асосланиб, сарфланган харажат тўлиқ қайтариб берилган.

* * *

Учтепа тумани, Чўпон ота маҳалласи, А.Исматов кўчаси, 1-уйда яшовчи Маъмуржон Каримжонов тумандаги "Махсустранс" корхонаси хусусида шикоят хати билан мурожаат этган. Унда кўрсатилишича, маҳалла ҳудудидаги маиший чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмаётганлиги боис, атроф-муҳит экологияси зарар кўрмоқда. Хатга М.Каримжоновдан ташқари яна 5 нафар истеъмолчи-фуқаро имзо чеккан. Ҳозирда истеъмолчилар талаби қондирилиб, "Махсустранс" масъулиятли ва қатъий режим асосида фаолият олиб бормоқда.

* * *

Шайхонтоҳур тумани, Ц-27 даҳаси, 7-уй, 1-2- хонадонларда истиқомат қилувчи Ҳабибулла Асқаров "ACATA IMPEX LTD" савдо фирмасидан 125.000 сўмга фотопринтер харид қилади. Фирма маъмурияти вакиллари фотопринтернинг иш кафолати 1 йилгача эканлигига истеъмолчини ишонтиришганди. Аммо 6 ой ўтар-ўтмас харид қилинган мазкур маҳсулот ишламай қолди. Ҳозирда маблағ эгасига қайтариб берилган.

**Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси берган маълумотлар асосида
Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади**

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҲАР БИР ЎТАЁТГАН ЙИЛИМИЗНИ МАЪЛУМ БИР НОМ БИЛАН АТАШ АНЪАНАҒА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. ЙИЛЛАРНИНГ БАРЧАСИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЖОРИЙ ЙИЛИМИЗНИНГ ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ ДЕБ АТАЛИШИДА ҲАМ ЧУҚУР МАЗМУН-МОҲИЯТ БОР.**



*Касаба уюшмалари фаолиятидан*

# ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Инсон ҳақ-ҳуқуқи, ижтимоий муҳофазаси, қадр-қиммати ва соғлиғининг биринчи ўринга қўйилиши эса ҳар бир соҳада янгиликка, изланишга, интилишга ундаши табиий. Хусусан куни кеча Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, «Тошбозортайёрловсавдо», савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси шаҳар кенгаши ўзаро ҳамкорликда ўтказган давра суҳбатидан ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсадлар кўзланди.

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тасарруфидаги меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган касаба уюшма фаоллари иштирок этган ушбу тадбирда Республика Бош вазирининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV-қурултойида сўзлаган нутқида билдирилган фикр-мулоҳазаларни амалга ошириш, касаба уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида сўз борди.

—«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси томонидан уюшма тизимидаги бозор акциядорлик жамиятларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ишчи-ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари йўлида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда, — дейди биз билан суҳбатда уюшма бирлашган касаба қўмитаси раиси Адҳамжон Эргашев. — Хусусан уюшма томонидан «Истиқлол» спорт-соғломлаштириш мажмуасида спортнинг енгил атлетика, мини- футбол, стол тенниси, шахмат-шашка ва миллий кураш турлари бўйича мусобақалар ташкил этилиб, ишчи-хизматчиларнинг мунтазам қатнашларига шароитлар яратилган. Ҳар бир байрамда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон, кексаларга беминнат ёрдам бериб келамиз. Масалан 25 дан ортиқ ишчи-ходимларга сиҳатгоҳ ва дам олиш масканларига йўлланмалар берилган бўлса, 35 нафар фарзандлар «Камалак», «Қизилсой» ва «Мовий денгиз» болалар соғломлаштириш оромгоҳларига дам олишга юборилди. Бугунги тадбирдан кўзлаган мақсадимиз ҳам шу, ҳар бир касаба уюшмаси аъзоси касаба уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари, мақсад-вазифаларини яхши билсин, ўз масъулиятини чуқур тушуниб етсин.

Шунингдек, асосий мавзу бўйича сўз олган шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг етакчи мутахассиси Қобил Дадабоев ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазаси, содир этилиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнаткашлар билан ўтказиладиган учрашув, яқин ҳамкорликнинг яхши натижалар бериши ҳақидаги фикрларни билдирди.

Давра суҳбати қатнашчилари ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича етарли маълумотларни олишди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТДА: «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасида бўлиб ўтган давра суҳбатидан лавҳа.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

# ХАЛҚАРО АНЖУМАН

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА «ҲОЗИРГИ ЗАМОН ГЕОГРАФИЯСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ» МАВЗУИДАГИ ИККИ КУНЛИК ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН НИҲОЯСИГА ЕТДИ.**

Ўзбекистон Республикаси география жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, тегишли вазирлик, қўмита, идора ва халқаро ташкилотлар вакиллари, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистондан келган мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этувчи география фани кейинги йилларда таркибий жиҳатдан ўзгариб ва бойиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда ушбу соҳада анъанавий назарий масалалар билан бир қаторда геоэкологик муаммолар, демография, ташқи иқтисодий алоқалар географияси ва геосиёсат сингари долзарб замонавий мавзулар юзасидан ҳам изланишлар олиб борилаётир.

Бу борада Марказий Осиёдаги етакчи илм-фан марказларидан бири - Ўзбекистон Миллий университети география факультетида соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш билан бирга кенг кўламли илмий-тадқиқотлар ҳам амалга оширилаётир. Олимларимиз ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш, табиатдан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш тармоқларини илмий асосланган ҳолда жойлаштириш, мамлакатимиз ҳудудини комплекс хариталаштириш билан боғлиқ мавзуларда иш олиб бормоқдалар.

Халқаро анжуманда география фани эришаётган ютуқлардан амалда фойдаланиш самараси, экологик барқарорликни таъминлашда ва илм-фан тараққиётини юксалтиришда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Таълимда илғор педагогик технологияларни қўллаш, ландшафтшунослик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий ва иқтисодий районлаштириш, халқаро корпорация, интеграция ва глобаллашув жараёнларининг географик жиҳатлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Б. ХИДИРОВА,
ЎзА**

# ОЛАМДА НИМА ГАП?

***ЖАҲОН ВА МАҲАЛЛИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИДАН***

● Москва ва Киев ўртасида «Укргаз-Энерго» қўшма корхонаси ташкил этилди. Мазкур корхона орқали расмий Москва билан келишилган нархда Украинага газ етказиб берилади. Корхона муассиси ҳисобланган «РосУкрЭнерго» низом жамғармаси «Газпром» ва «Нафтогаз Украины»га тегишли. «РосУкрЭнерго» эндиликда Россиядан ҳар бир минг кубометр газ учун 230 доллардан, Марказий Осиё гази учун эса арзонроқ ҳақ тўлайди.

● Бутунжаҳон банки Фаластин мухториятига моддий ёрдам беришни тўхтатиб қўйди. Парламент сайловларида ғолиб чиққан ХАМАС гуруҳининг қуроллардан воз кечмаслиги ва Исроилни давлат сифатида тан олмаслиги бунга сабаб бўлган. Шундай бўлса-да, мухториятга ёрдам қўлини чўзувчилар йўқ эмас. Қатар ва Саудия Арабистони ҳукумати Фаластин учун 33 миллион АҚШ доллари миқдорида кўмак беришни маълум қилган.

● АҚШ Федерал ҳакамлик суди мамлакатнинг 19 нафар фуқаросига нисбатан айблов эълон қилди. Улар интернетда қароқчилик билан шуғулланганликда айбланаяпти. Ҳозирча келтирилган зарар миқдори 6,5 миллион доллар атрофида баҳоланмоқда. Айбланувчилар компьютер дастурлари, ўйинлар ва кинофильмларни интернет орқали олиб, ҳеч бир рухсатномасиз тарқатганлиги ҳақида далиллар бор.

● Япониянинг Кобо шаҳрида электр узатиш тармоғида юзага келган носозлик туфайли метро поездлари бир неча соатга тўхтаб қолди. Натижада 15 минг йўловчи бир соатга яқин ер тагида қолиб кетди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, 60 минг нафар аҳоли белгиланган манзилига ўз вақтида етиб бора олмаган.

● Грузия Эрондан газ сотиб олишни бошлаган. Бироқ унинг нархи расмий Тбилисига Россиядан етказиб берилаётган ёқилғидан икки баробар қимматга тушаяпти. Эрон нефть вазири ўринбосари Муҳаммад Хади Нежад Хусайниянинг билдиришича, 30 кун мобайнида етказиб бериладиган 30 миллион кубометр газ учун Грузия тарафи 7 миллион АҚШ доллари тўлашга рози.

● Тбилиси шаҳар кенгаши депутатлари навбатдаги кенгайтирилган мажлисда тўполон кўтаришди, дея хабар қилади «Интерфакс». Маълум бўлишича, тўполон мамлакатдаги энергетик инқироз ва ҳукуматнинг бу масалага ўта масъулиятсизлик билан ёндошаётгани сабабли рўй берган. Табиийки, ўзаро қарама-қарши фикрлар депутатларни ҳақорат ва муштумзўрлик қилишга ундаган.

● Тожикистоннинг наркотиклар устидан назорат бўйича агентлиги афғон махсус хизматлари билан ҳамкорликда ўтган йили 350 килограммдан зиёд героинни қўлга туширди. Икки мамлакатнинг бу борадаги ҳамкорлиги самарадорлиги ўтган йили Афғонистон шимолида агентлик ўз ваколатхоналарини очганидан сўнг янада ортди. Шундан кейин гиёванд моддалар етиштириладиган ҳудудлар , афғон наркосотувчиларнинг «маршрутлари» хусусидаги ахборотларнинг тезкор алмашинуви йўлга қўйилди. Агентлик ходимининг таъкидлашича, уларнинг афғон ҳамкасблари бу йил Душанбеда наркотрафикка қарши ҳамкорликда кураш бўйича ваколатхона очишни мўлжаллашмоқда.

● Ўтган йилда япон автогигантлари Америка бозорига рекорд кўрсаткичда машина сотишган. Бу океанорти давлати бозорининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этади. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, ўтган йилда АҚШ ички бозорининг 32,2 фоизида япон машиналари сотилган. Япон автомобилсозлигидаги етакчи корпорация — «Тойота мотор» ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллади. Корпорациянинг океанорти мамлакатидаги савдо ҳажми кескин ортиб, 2,26 миллион долларлик машина сотишга эришди. «Ниссан»да бу борадаги кўрсаткич 9,2, «Хонда»да эса 4,9 фоизни ташкил этган. Япон автогигантларининг океанортидаги бу муваффақиятлари шу тарзда давом этаверса, арзон, камхарж ва қулай япон машиналари Америка автоуловларини ўз бозорига сиқиб чиқариши аниқ.

● Ироқдаги Тожи шаҳри яқинида қўлбола портловчи мосламанинг ҳаракатга келтирилиши туфайли АВС телекомпанияси журналисти ва тасвирчиси оғир яраланди. АВС News хабарида айтилишича, портлаш оқибатида «Worid News Tonight» («Дунё янгиликлари — бу кеча») дастури бошловчиси Боб Вудрафф ва тасвирчи Да Вогт бошидан ва елкасидан жиддий жароҳатланди. Улар ҳарбий-шифохонага олиб келинди ва ҳозир саломатлиги тикланмоқда.

● Голландия парламенти Афғонистондаги тинчликпарвар кучлар сонини кўпайтириш юзасидан қарор қабул қилди. Эндиликда Афғонистонга яна қўшимча 1400 нафар ҳарбий жўнатилади. Голландиялик ҳарбийлар мамлакатнинг жанубий ҳудудларига жойлаштирилади.

● Сурия Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг маълум қилишича, 23 йиллик танаффусдан кейин расмий Дамашқ Ироқ билан алоқаларни қайтадан тиклашини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Бағдодда янги ҳукумат шакллантирилгандан сўнг икки давлат ўртасида элчилар алмашинади.

● Ҳиндистон пойтахти Деҳлида «ДифЭкспо Индия — 2006» қурол-яроғ халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Унда дунёнинг 30 мамлакатидан 400 дан зиёд компания ўз маҳсулотларини намойиш этаётир. Кўргазма павильонлари 18 минг квадрат метр майдонни эгаллаган. Бу ерга ташриф буюрганлар қуруқликдаги қўшинлар ва ҳарбий-денгиз кучлари учун мўлжалланган сўнгги техник ютуқлар билан танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

● Австрия пойтахти Венада нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотининг (ОПЕК) навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур уюшмага аъзо давлатларнинг ёнилғи ва энергетика вазирлари иштирок этди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, учрашув қатнашчилари йиғилиш якунлари бўйича қўшма баёнот қабул қилган. Ушбу ҳужжатда ОПЕК аъзоларининг кунлик қазиб олинадиган «қора олтин» ҳажмини ўзгартирмасдан, 28 миллион баррель миқдорида қолдириш тўғрисидаги қарори ўз ифодасини топди.

# Маънавият — ақл кўзгуси

**1940 ЙИЛДА БУТУНИТТИФОҚ ТАСВИР УСТАЛАРИГА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ 500 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ МИҚЁСДА ИЛК МАРТА НИШОНЛАШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭДИ. ЎШАНДА ЭЛЛИКДАН ОШИҚ РАССОМ ВА ҲАЙКАЛТАРОШЛАР ИШТИРОК ЭТГАН.**



*Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига*

## БУЮК АЛЛОМА ҚИЁФАСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Турли миллатдан иборат санъат усталари Навоий қиёфасини яратиш учун албатта изланишлар, далилларга асосланишарди. Изланишлар жараёни бораётган кезлар — 1941 йил уруш бошланди. Буюк мутафаккир таваллудини эса 1949 йилда нишонлашга қарор қилинди. Рассомликка нисбатан ҳайкалтарошлик намуналарига катта эътибор берилди. Ўша вақтлар етмиш бешта ҳайкалтарошлик лойиҳаси яратилди. Биргина Ленинград ҳозирги (Санкт-Петербург)да ўн еттита, Тошкентда эса ўн беш ҳайкал намунаси кўриб чиқилиб, ёдгорлик лойиҳасини яратаётган меъморлардан В.Волчек, Л.Дитрихо ишлари диққатни тортарди. Булар ишида шоир-мутафаккир деган ғоя очиб берилганди. Шу меъморлар яратган Алишер Навоий ёдгорликлари республикамизнинг бир қанча жойларига қўйилганди.

Булардан ташқари қирқинчи-эллигинчи йиллар орасида қўйилган Навоий ҳайкалларидан ҳайкалтарошлар Л.Дитрихо, А.Иванов, Я.Кучис ва бошқаларнинг ишлари майдон ва меъморлик иншоотларида кўриниб турди. Навоий қиёфасининг тез-тез кўзга ташланиб туриши халқимиз қувончига қувонч қўшиб турарди. Мутафаккир Алишер Навоийнинг 500, 525, 550 йиллик таваллудларини алоҳида таъкидласак арзийди. Бу орада бир эмас, ўнлаб Навоий тасвирлари яратилди. Илмий тадқиқотлар ёзилди. Навоий номли қўлёзмалар институти ва музей ташкил этилди.

Юқорида тилга олинган танлов натижаларига келсак, унда республикамизда ижод қилаётган рассом В.Кайдаловнинг «Алишер Навоий» портрети ғолиб деб топилганди. Навоийнинг шоир-мутафаккирлик фазилатлари тўла очилган деб, шу портрет қабул қилиниб, дарсликларга киритилган эди. Эндиликда Навоийнинг шу қиёфасига эътибор бергудек бўлсак, шакл жиҳатдан тўғри бўлсада, кўриниши миллийликдан йироқ, европача хусусиятлар сезилади. Ўша пайтларда В.Рождественский томонидан яратилган портрет ҳам мутлақо Навоийга ўхшамаган. Миллий мусаввирларимиз Ҳамид Раҳимовнинг «Навоий денгиз бўйида», Ўрол Тансиқбоевнинг «Навоий табиат қўйнида» асарлари анча ўхшаш кўринсада танловдан ўтмаганди. Бунинг бирдан-бир сабаби миллий томонлар эмас, ўша замон руҳи сингиши керак эди.

Навоий таваллудининг 525 йиллигига адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймонов ҳаракатлари билан жуда кўп савобли ишлар қилинди. Ҳамид Сулаймонов шундай покиза инсон эдики, тўғри ишлар, тўғри фикр юритар, пок йўлдан борарди. Миллий ғурурни, халқни севарди. У кишини кўп кўрганман, кўп суҳбатлашганман. Санъат музейида илмий ходим бўлиб ишлаб юрган кезларим «Навоий тасвирий санъатда» мавзуида тадқиқот олиб боринг, бу савобли ишингиз бўлади», дегандилар-у, имкониятим бўлмаганди. Кейинчалик билсам, буюк мусаввирларимиз Малик Набиев, Чингиз Аҳмаров, Абдулҳақ Абдуллаев, Лутфулла Абдуллаев, Неъмат Қўзибоев, Козим Эминов, Фазилат Сайдалиева, Маҳмуд Жўраев, Темур Саъдуллаев, Жавлон Умарбековлар навоийшунос олим Ҳ.Сулаймонов маслаҳатлари ва буюртмалари билан Навоий қиёфасини яратишган экан. Бир-бирининг ғоясини тўлдирувчи асарлар Навоий музейида ҳануз сақланмоқда ва диққатга сазоворлари шу кунларда ҳам намойиш этилаётир.

Музей хоналарини кўздан кечирган кишининг баҳри-дили очилади. У ерда Навоий ҳаёти ва ижодини тўла ҳис этиш мумкин. Алломанинг мусаввирлик фаолиятлари бизгача сақланиб қолган ва бу «Занжирбанд шер» асарида ўз ифодасини топган. Расмда адолатнинг занжирбанд қилиб қўйилгани шер тимсолида тасвирланган.

Ўзбекистон халқ рассоми, академик Малик Набиев «Навоий ва Жомий» асарида Навоийни ўз устози билан самимий суҳбати чоғини ҳаётий, ёрқин акс эттирган. Рангтасвир усталари Лутфулла Абдуллаевнинг «Навоий — қурилишда», Уста Мўмин-Николаевнинг «Навоийнинг Астрободга келиши», Неъмат Қўзибоевнинг «Навоий Ҳусайн Бойқаро ҳузурида» ва ниҳоят республикамизда ижод қилган рассомлардан П.Ганнинг «Навоий — қўзғолончилар орасида» асарлари мутафаккир шоирнинг давлат ва халқ ишлари билан бандлиги, тиним билмаслигидан далолат беради.

Маълумки, Навоий маданият равнақи учун курашган инсон. Бу фазилатлари мусаввирлар — Козим Эминовнинг «Навоий мадрасада шеър ўқимоқда», Темур Саъдуллаевнинг «Навоий ва Беҳзод» асарлари орқали ёритилган. Хоналарда кекса мусаввирларимиздан, портрет устаси, академик Абдулҳақ Абдуллаевнинг Навоийга хос турли кўринишлари ҳам ўрин олган. Ҳаётини Навоийга бағишлаб, ўттиз йилдан зиёд изланиб ва ниҳоят тушларига кириб, руҳлари билан суҳбатлашиб, ҳақиқий Навоий қиёфасини яратган мусаввир — Абдулҳақ Абдуллаевдир. Алломанинг бўй баравар, Ҳизр сифат, хассадаги яратилган ҳолати фикримиз далилидир. Бу сурат машаққатли меҳнат меваси бўлиб, илгариги йўл қўйилган камчиликлардан деярли ҳоли, дину диёнатда, иймон-эътиқодли кўринишда Навоий Ҳирот манзараси қўйнида тасвирланган. Эндиликда ким бўлсин «Навоий бобомиз шу» деб, тан олмоқда. «Навоий қиёфаси» мусаввирнинг ўзига ҳам ёққан. Сабаби, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳибларнинг «Навоий портрети» миниатюра расмларидан фойдаланилган. Бу тасвир Абдулҳақ Абдуллаев тасаввуридаги Навоий қиёфаси билан уйғунлашиб кетган.

Навоийнинг ҳақиқий, ҳаммани ишонтирадиган қиёфаси фақат мустақилликка юз тутганимиздан сўнг яратилганлиги қувончлидир. Шу портрет асосида нафақат пойтахтимизда, балки чет элларда, ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам Навоий ҳайкаллари қад кўтармоқда, қайси ҳайкалтарош бўлса ҳам портрет устаси, академик мусаввиримиз Абдулҳақ Абдуллаев яратган «Навоий» портретидан нусха кўчирмоқда, дейиш мумкин.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, санъатшунос.**

*Анжуманлар*

## ВАТАННИ СЕВМОҚ — ИЙМОНДАНДИР

**МАЪЛУМКИ, БУГУНГИ КУНДА ҲАЁТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ, ЖУМЛАДАН МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ СОҲАНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА. ХАЛҚ МАЪНАВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ — МАМЛАКАТ КУЧ-ҚУДРАТИНИ ОШИРИШ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Мана, XXI асрнинг дастлабки йилларига келиб, мафкура майдони жиддий аҳамият касб этди. Бу мамлакатимизда юксак минбарлардан қайта-қайта такрорланмоқда. Юртбошимиз "Униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, имони бут бўлиб вояга етиши учун жамоатчилик ва аҳоли ўртасида маънавий-маърифий фаолиятни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёсдир" — дея таъкидлаганлар. Давр маънавият ва маърифат ишлари савиясини янада юксалтиришни тақозо қилмоқда.

Шу мақсадда яқинда Тошкент Молия институтининг Солиқ ва суғурта иши факультетида "Ватанни севмоқ — иймондандир" мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Тадбирда институт талабалари, ўқитувчилари иштирок этдилар.

Анжуманни фалсафа фанлари доктори, профессор Самин Раҳимов олиб борди ва "Ватан, Ватанга муҳаббат ва ватанпарварлик" мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, анжуманда юқоридаги мавзу юзасидан Солиқ ва суғурта иши факультети декани, иқтисод фанлари доктори А.Жўраев, фалсафа фанлари доктори, профессор Н.Маматов ва бошқалар маъруза қилдилар. Тадбир қизиқарли ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

**Обид МЕЙЛИЕВ,**
**Тошкент Молия институти, Солиқ ва суғурта иши факультети деканининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари**

*(Давоми. Боши ўтган сонларда.)*

## МИРЗО АБДУЛАТИФНИНГ МИРЗО УЛУҒБЕК КЎРАГОНГА ҚАРШИ ИСЁНИ ВА БУНИНГ САБАБЛАРИ

Мирзо Абдулатиф Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрга жўнаганидан кейин бир неча кун Ҳиротда турди. Сўнг мирзо Абул-Қосимнинг келганлиги овозасини эшитди, амирзода Ёр Али туркман эса Нирату қалъаси тарафда пистирмада эди. Шунинг учун мирзо Абдулатифда бу ерда туришга мажол қолмади ва бир кечада, - байт,-

**Амонлик эшиги берку фитна йўли очиқ бўлган,**
**Қиёмат кунидек узун бир кечада**

доруссалтана Ҳиротдан чиқиб жўнади ва Андхуд кечигидан ўтиб Мовароуннаҳрга етди-да, Самарқандга чопар йўллади. Мирзо Улуғбек: "Балх вилояти унинг с у ю р ғ о л и, ўша ерга бориб, уни идора қилишга киришсин" деган нишон юборди. Бу ҳол мирзо Абдулатифнинг таъбига жуда мувофиқ тушди, чунки у кўнглида отасидан қўрқинч ва ваҳимада эди. Шунинг учун у Балхга келгач у вилоятда мухолифатчилик байроғини тиклади ва отасига хилофликни тошга ўйилган нақшдек андиша лавҳасига чизди, аввало у «Тамғони бекор қилдик, бирор киши ҳам т а м ғ о туфайли мусулмонларга дахл қилмайди" деб жар солдилар Кичик жойлардаги барча кемаларни ўз олдига тўплади. Мирзо Улуғбекдан бутунлай норози бўлиб юрган элу улус бирданига мирзо Абдулатифнинг даргоҳига отилдилар; ваҳшат ва кудурат сабаблари кундан-кун бир-бирига қўл беришиб, иш шу даражага етдики, мирзо Улуғбек лашкар тортиб, ўз ўғли жонига қасд қилувчига айланди.

Бу мухолифатчилик манбаъи қуйидагидан иборат эди. Юлдузлар ҳукми бўйича ота билан ўғил толеъи бирбирига нисбатан ғоятда адоватли бўлиб кўринди. Наҳс тугуни бўлган з а н а б[1] отанинг, бахт тугуни бўлмиш р а ъ с[2] эса ўғил толеидан бош чиқарган ҳолда эди. Ҳар икки подшоҳ ҳам илми нужумни яхши билар эдилар. Мирзо Улуғбек гумон бўйича ўз мулки заволини ўғлидан кўриб, ўғлига нисбатан фикри ўзгарган, мирзо Абдулатиф ҳам буни яхши тушунганлиги учун, у давлатни эгаллаш ишида тўла саъй-ҳаракат кўрсатарди. Бундан ташқари, Хуросон фатҳи вақтида бошқа бир неча жиҳатдан ўғилнинг кўнгли отадан қолган эди. Биринчиси: мирзо Улуғбек Ихтиёруддин қалъасида сақланган хазинани унга бермади, иккинчиси: бир неча йиллар улуғворлик билан ўтказгани Ҳирот шаҳрида уни ғоятда

**Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ**

## «МАТЛАЪ-И САЪДАЙН ВА МАЖМАЪ-И БАҲРАЙН»

**АСАРДАН БОБЛАР**

фалокатли вақтда қолдириб кетди; яна учтаси: Бистом, Машҳад ва Ҳирот чегараларида уни душман оғзига ташлаб қўйиб, унинг вужудини йўқдек ҳисоблади ва тўртинчи, ҳаммадан ёмонроғи шуки, унинг укаси мирзо Абдулазизни ҳамма жиҳатдан мирзо Абдулатифдан юқори қўйди. Ана шу сабабларга биноан ота билан ўғил орасида келишмовчилик маддаси қуюқлашиб бориб, фасод асоси мустаҳкамлик касб этди ва шу даражага бориб етдики, ўғил отага қарши адоват камарини жон белига боғлади, ота эса ўғилни қатлга етказиш мақсадида бетоқатликка учради; душманлик тиғига бемеҳрлик заҳридан сув югуртирди, жафо ўқини бало камонидан бўшатди ҳамда гардун ҳодисаларию Ҳомун кулидек беҳисоб лашкар билан Жайҳун соҳилига келди. Мирзо Абдулатиф эса мўр-малахдек сипоҳ билан Балх ноҳиясидан чиқиб илгари юрди ва Улуғбекнинг Жайҳундан ўтишига монелик қилди; икки лашкар тўла шайланган ҳолда кечаю кундуз интиқом мақомида турди; сурон ва нафир садоси кўк осмон гумбазига етди. Бу ҳол узоқ муддат давом этди.

Мирзо Абул-Қосим Бобур бу аҳволдан воқиф бўлгач, у тарафдан хотирини бутунлай жам қилди. Байт:

**Душман лашкар орасида**
**қарама-қаршилик бошланса,**
**Сен шамширингни ғилофдан суғурмай қўяқол.**

Мирзо Абул-Қосим зафар нишон лашкарни Сеистон мамлакатини бўйсундиришга йўллади ва жаҳонга ўт ёқувчи сипоҳни Нимруз вилояти томон жўнатди.

### ШУ ЙИЛИ МОВАРОУННАҲР МАМЛАКАТИДА СОДИР БЎЛГАН КЕЧМИШЛАР ЗИКРИ

Хуросон фатҳи достони орасида шарҳлаб ўтилганидек, мирзо Абдулатифнинг Балхда отасига қарши исён кўтарганлиги ва буни ошкора қилиб душманлик тиғини яланғочлаб, отасини Жайҳундан ўтишга қўймаганлиги воқеаси сўз тузувчи қалам ҳаракатидан тушган қатралардан ва ҳикоятлар сўзловчи номанинг ёрқин калималаридан эшитувчилар қулоғига чалинган ва билимдонлар кўзидан ўтган эди. Шу тарзда душманлик муддати чўзилиб бориб, сувнинг юқори ва қуйи тарафларидан бир неча бор лашкар ўтказдилар ва қайта-қайта жангга киришдилар; бунда аксар вақтларда мирзо Абдулатифнинг лашкари ғолиб келди ва у бутун ҳаракатини Мовароуннаҳр мамлакати салтанатини эгаллашга қаратди. Бир гал мирзо Улуғбек мирзо Абдуллоҳ Шерозийни улуғ амирлар билан биргаликда сувдан ўтказди. Мирзо Абдулатиф уларга қарши бир гуруҳи юборди; мирзо Султон Абдуллоҳ қўлга тушди. Мирзо Абдулатиф унинг жонига омон берди. Ана шу воқеадан кейин бир неча кун ўтгач, мирзо Улуғбекнинг ишларида вайронлик юз бериб Самарқанд томон қайтди.

Бу вайронлик сабаби қуйидагича эди: мирзо Улуғбек мирзо Абдулазизни Самарқандда қолдириб Балхга жўнаган эди. Жайҳун суви бўйида низо таноби узайиб кетди. Бир фарзанд Балхда жанг навосию мухолифат оҳангини таранг қилиб созлаган пайтда, иккинчи фарзанд Самарқандда амирлар ва раийятларнинг аҳлу аёлига зўравонлик қўлини чўзди. Амирлар бетоқат бўлишиб, бу ҳолни Улуғбекга арзга етказишга жазм қилдилар: улар отани тутиб олиб Балхда ўғилга топширишларидан хавф бор эди. Мирзо Улуғбек амирлар ва аркони давлатни турли-туман юпанчлар билан ушлаб турди. Мирзо Улуғбекнинг Самарқандга юборган шу пўписа ва ваъда-ваъизлардан иборат ҳукмларини саодатманд фарзанд йўқдек ҳисоблади. Шу орада ғайб пардасидан ғариб бир сурат юз кўрсатди ва хаёл ойнасида аксланиш ҳам қийин бўлган ажиб бир нақш чеҳрасини очди, натижада мирзо Улуғбекнинг аҳволига завол йўл топиб, бахту давлат унинг толеидан юз ўгирди. Байт:

**Бу айланиб турувчи чарх остида**
**кўп ишларни кўрдиму,**
**Лекин унинг айланишида ҳеч бир**
**турғунликни кўрмадим.**
**Агар қуёш бир соат баландда турса,**
**Иккинчи соатда пастликга тушиб маъюсдир.**
**Аҳвол шундай экан, бас, сенга нима**
**насиб этса, хурсанд бўлабер,**
**Бир неча луқма учун ўзингга озор қидирма!**

Бу ҳолнинг баёни, қисқа қилиб айтганда, мирзо Султон Абу Саъиднинг хуруж қилганлиги воқеасидир.

**Форсчадан Асомиддин ЎРИНБОЕВ таржимаси.**

*(Давоми бор.)*

1-2 Занаб , раъс – юлдузлар номлари.

**МАЪЛУМКИ, КИТОБ ИНСОН ТАФАККУРИНИ БОЙИТИШ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ОНГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. КИТОБ—БЕБАҲО ХАЗИНА. УНДАН МАЪНО ДУРУ ЖАВОҲИРЛАРИНИ ТЕРИБ, ЎҚИШ ВА УҚИШ ЗАРУР. ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, БУГУНГИ КУНДА ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН БИР ҚАТОР НАШРИЁТЛАРДА БОСМАДАН ЧИҚАРИЛАЁТГАН ТУРЛИ ХИЛ НОМДАГИ ҚИЗИҚАРЛИ КИТОБЛАР БИЛАН КИТОБ ЖАВОНЛАРИМИЗНИ ТЎЛДИРИШИМИЗ МУМКИН.**





*Матбаа*

## БЕБАҲО ХАЗИНАМИЗНИ БОЙИТАЙЛИК

Ўзбек миллий, маданий мероси, мумтоз адабиёти, ҳозирги замон адабий-бадиий ҳамда санъатга оид асарлар, жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилида, ўзбек адабиётидан қилинган таржима асарларни чет тилларида нашр этиш ва тарғиб қилишда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор бўлмоқда.

Жумладан, А.Бедилнинг «Шавқингни ёд этиб» ғазаллар тўплами, А.Навоийнинг «Лисон ут-тайр» тўлдирилган назмий ва насрий баёнлари, ҳинд эпоси «Калила ва Димна», қозоқ шеърияти антологияси «Сайра дўмбирам» шеърий тўплами, А.Қаҳҳорнинг «Анор» қисса ва ҳикоялари, Л.Қодировнинг «Тил ва эл» илмий бадиаси, Р.Бобожоннинг «Муҳаббат мезони» романи, Л.Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» романи, О.Маҳмудовнинг «Ота нега фарзандига танбеҳ беради?» бадиаси, «Ойбек замондошлари хотирасида» тўплами ва бошқа кўплаб асарлар қатъий буюртма асосида нашр этилди. 2005 — Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан ёш курашчилар, мураббийлар учун К.Юсуповнинг «Кураш халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси» номли илмий-услубий-амалий қўлланма, Б.Маматқуловнинг «Тиббиёт статистикаси асослари» ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди.

— Дарҳақиқат, нашриёт-матбаа корхонасида режалаштирилган адабиётлардан ташқари турли қатъий буюртма адабиётлар ҳам нашр этилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи директор ўринбосари, бош муҳаррир Назира Жўраева. — Ҳ.Неъматовнинг «Пахта уруғчилигининг илмий асослари», О.Холдоровнинг «Шаҳрихонликлар», А.Қодировнинг «Уч кунлик ой» сингари кўплаб китоблари шулар жумласидандир. Бу асарларда бугунги кундаги долзарб мавзулар қаламга олиниб, чуқур таҳлил этилган. Шу билан бирга мазмун-мундарижаси, уларда илова қилинаётган суратлар, бадиий безаклар, муқовасининг сифати, чоп этиш даражаси матбаачилик ва ноширлик талаблари асосида амалга оширилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, нашриёт-матбаа уйида ҳозирги кунда бешта йўналиш — «Мумтоз адабиёт», «Ўзбек адабиёти», «Халқ оғзаки ижоди», «Таржима адабиётлар» ва «Болалар адабиёти» туркумида бадиий китоблар ҳамда ўрта мактаблар, коллеж, лицейлар ва институтлар учун дарсликлар чоп этиб борилмоқда. Ижодий уйимиз янги йилда янги режалар билан иш бошлади. Биз ҳозир буюк аллома Алишер Навоийнинг беш китобдан иборат «Ҳамса» достони устида иш олиб боряпмиз. «Фарҳод ва Ширин» достонларини шу кунда босмахонага топширдик. Энди эса «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» достонларини нашрга тайёрлаб босмахонага топшириш арафасидамиз.Бу китоб Наврўз байрами арафасида нашрдан чиқиб мухлислар қўлига бориб етади. Бу достонларнинг барчаси жуда чиройли иллюстрациялар билан ишланяпти, рангли суратлар бериляпти. Албатта уларни нашрга тайёрлашда таниқли олимларимиз, навоийшуносларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Лотин алифбосида тўлдирилган ҳолда қайта нашр қилинаётган мазкур достонлар китобхонларга манзур бўлади деган умиддамиз. Асосий мақсадимиз ёш авлодни мумтоз адабиётимиз ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналари билан яқиндан таништириш. Бунинг учун нашрдан чиқаётган китобларнинг кўп қисмини лотин ёзувига асосланган ўзбек имлосида чоп этишга бел боғлаганмиз. Энг муҳими, қайта нашрдан чиқаётган китоблар аввалги нашрларда йўл қўйилган камчиликлар ва қисқартишлар, тузатилган, тўлдирилган ҳолда нашр қилинмоқда. Масалан, «Боқий сатрлар» туркумида Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр», беш китобдан иборат «Хамса», Ф.Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асари шулар жумласидандир. Шуни ҳам айтиш керакки, яқин кунларда олий ўқув юртлари учун ҳам бешта дарслик нашрдан чиқиш арафасида.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеърий тўплами, «Тонгнинг ўзидек пок ва ёрқин» номли жамоатчилик асосида яратилган севимли шоирамиз Зулфия ҳақида хотиралар тўплами, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Ўзбеклар» номли тўплами ҳам яқин кунларда китобхонлар қўлига бориб етади. Бундан ташқари, март ойининг бошларида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан берилган 22 номдаги мусиқа дарсликлари, тасвирий санъат дарсликларини чоп этиш режалаштирилган. Бу дарсликларни етти тилда нашр этиш бўйича жадал иш олиб борилмоқда. Хулоса қилиб айтганда нашриётда биринчи чоракда 30 дан ортиқ номда китоб нашр этиш режалаштирилган. Бу борада нашриёт босмахонаси ишчи-хизматчилари ва таҳририят ходимлари қизғин фаолият кўрсатишмоқда.

Биз, энг нодир китобларни китобхонларга етказиб, халқимизга маънавият нурини сочаётган Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ноширлар жамоасининг эзгу ишлари доимо бардавом бўлишини ният қиламиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи директори ўринбосари, бош муҳаррир Назира Жўраева китобларни кўздан кечирмоқда; янги нашр этилган китоблардан намуналар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

*«KAFOLAT RIELT» МЧЖ Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Ҳ.Турсунқулов кўчасида жойлашган умумий фойдали майдони 367,83 кв.м. ҳамда яшаш майдони 219,39 кв.м. бўлган 2 та балкондан, ҳаммом, ошхона, ертўла, бостирма, йўлак ва етти хонадан иборат № 6 ва № 7 турар уйларни СОТУВГА таклиф қилмоқда.*

*Бошланғич баҳоси, 160 000 000 сўм.*

***Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.***

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

***«KAFOLAT-TRAST» масъулияти чекланган жамияти***
***Сизларни 2006 йил 9 март соат 15.00 да***
***СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИК ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БЎЛИМИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА***
***«KAFOLAT-TRAST» МЧЖ савдолар залида***
***ўтказиладиган навбатдаги очиқ аукцион савдоларига таклиф этади***

1.Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, фуқаролар К.М.Аҳмедова ва А.Б.Ғаниеваларга қарашли, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Тадбиркорлар кўчаси 79-уйда жойлашган, 1 қаватли турар жой биноси.

Бошланғич баҳоси - 5 277 274 сўм.

Ушбу кўчмас мулк объектлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Ушбу сотувга қўйилган кўчмас мулк сотилмаган тақдирда 2006 йил 13, 16, 20, 23, 27, 30 март кунлари соат 15.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 75-уй. Телефонлар:**

**115-20-07, 303-31-02.**



## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳаддан ортиқ ғазаб ваҳшийлик келтиради ва бевақт қилинган лутф ҳам обрўни кеткизади.

**КОШИФИЙ**

Жонли мавжудотнинг барчаси, шу жумладан инсоннинг ўзи ҳам, табиий равишда пайдо бўлган ва у табиатнинг ривожланиши ва ўзгаришининг натижаси ҳисобланади.

**Абу Райҳон БЕРУНИЙ**

**То бани одам ила олам эрур,**
**Олам ичида бани одам эрур.**

**НАВОИЙ**

Инсон баъзан мумкин бўлмаган нарсани ҳам қилгиси келади, масалан, абадий бўлгиси келади.

**Абу Наср ФОРОБИЙ**

Инсон ўз суратини ўзгартиришдан ожиз бўлса ҳам, тилсиз ҳайвондан орқада қолишни истамаса, нафсни тозалашдан ожиз бўлмайди.

**Абу Райҳон БЕРУНИЙ**

**Табиатга ҳар неки одат бўлур,**
**Чу эскирди, одат табиат бўлур.**

**НАВОИЙ**

Ҳатто деҳқонлар (ойга қараб) уруғлар сочиш, экиш, кўчатлар ўтқазиш, пайванд қилиш ва чанглатиш, ҳайвонларни урчитиш ва бошқа вақтларни аниқлайдилар.

**Абу Райҳон БЕРУНИЙ**

**Йўқ ҳунари ёлғуз эса юз киши,**
**Қайда киши сонида ёлғуз киши.**

**НАВОИЙ**

**Кетур элга дили аҳли дилени,**
**Қабул эт ҳидмати бир муқбилени.**
**Кимаким лутфу ҳикмат ҳамдам эрмас,**
**Эрур ҳайвони нотиқ, одам эрмас.**

**Саид ҚОСИМИЙ**

**Кўп кўнгулни бу чаманга боғлама эй андалиб,**
**Ким, гули мақсуд ҳаргиз очмади гулзори даҳр.**

**Ҳусайн БОЙҚАРО**

**Чарх золики жаҳонда ҳеч қилмас вафо,**
**Оқил эрсанг айлама ул бирла акди издивож.**

**ТОЛИБИЙ**

Ёв томондан бирон киши ўз жонига омонлик тилаб келса, уни ўлдирмангиз.

**ҲАДИС**

**Ранж чекмасдан асло ганж насиб қилмас,**
**Кимки меҳнат қилди бахтиёр бўлди!**

**Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ**

Бирор касбу ҳунар орқасидан ризқу насибага эга бўлиб яшаётган одам, шу касбини ўзгартирмасун.

**ҲАДИС**

**Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,**
**Яхшироқ ондинки биров берса ганж.**

**НАВОИЙ**

Дунёда фақат ҳалол е, ҳалол ишла, ҳаромдан топилган мол ҳеч кимга вафо қилмайди.

**Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ**

**Ҳар дам чекибон минг машаққат**
**Кун дема ўтган кунингни тундур.**

**БАЁНИЙ**

**ҲИКМАТ**. Икки нарса дунёда энг азиздир. Бири қўл меҳнати билан топилган бойлик. Иккинчиси дилда дўстлик барқарор бўлган содиқ дўст.

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ**

**Жафо чекмай кишига роҳат ўлмас,**
**Агар қўймас ўтунга жўш бўлмас.**

**МАЖЛИСИЙ**

**АЗИЗИМ**, то талаб оёғи ранжу меҳнат тикони билан мажруҳ бўлмас экан висол қўли мақсад гулини ёқасига етолмайди. Кишида кучли интилиш бўлмагунча муродининг офтоби машриқ умиди уфқидан нур сочиб чиқмайди. Чунки гул териш учун тикон заҳрини чекиш лозим. Ранж чекмасдан туриб, ганж эшигини очиш мумкин эмас. Демак, мақсадга етишмоқ учун тинимсиз саъй ҳаракат қилмоқ керак.

**Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ**

**Тиларсен ҳосил этсанг номи мардий,**
**Бошни қил фидойи аҳли дарде.**
**Хомтамаъ одами одам дагул,**
**Ақлу басарот билан ҳамдам дагул.**
**Кимки тамаъ риштасина бастадур,**
**Дарди қабоҳат ила побастадур.**

**Саид ҚОСИМИЙ**

**Ки осон одами мақсуда етмас,**
**Риёзат тортмайин маъбуда етмас.**

**ХЎЖАНДИЙ**

Эй ўғил! Бу дунё корхонасида шундай йўл тутки, кийган кийиминг ва еган овқатинг ҳалолдан бўлсин!

**Абдибек ШЕРОЗИЙ**

**Кимдаки ботини ҳаромдан пок эмас,**
**Они руҳи қобили афлок эмас!**

**Фаридиддин АТТОР**

Феълнинг кенглиги ризқнинг мўллиги.

**"ОТАЛАР СЎЗИ"**

**Ҳеч биродардан манга келган эмас бўйи вафо,**
**Аҳли оламда манингдек пуржафое бормикин?**
**Меҳр излаб қаҳр кўрган, шарбат излаб заҳр нўш,**
**Рўйи роҳат кўрмаган меҳнатдое бормикин?**

**Мужрим ОБИД**

**АЗИЗИМ**, ҳар ким бирор ишнинг талабида қадам қўйса, бу ишнинг қийинчиликларига чидаши керак. Мақсад каъбаси сари йўлга чиққан одам, заҳмат саҳросидан чўчимаслиги лозим.

**Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ**

**Қачон сочса тупроққа буғдой биров,**
**Йўқ имконки ул арпа қилғай даров.**

**НАВОИЙ**

Жигаринг қонини нон қилиб е, аммо текин нон учун бировларнинг эшигида ит каби изғиб юрма!

**Абдибек ШЕРОЗИЙ**

**Неъматим ошсин десанг уст-устига,**
**Нон ушоғин сочма оёқ остига!**

**Фаридиддин АТТОР**

Дастурхонга тўкилган таом ва ушоқларни териб ейдиган одамнинг гуноҳлари тўкилади.

**ҲАДИС**

**Чекмаса деҳқон арақи пой бил,**
**Емишининг фойдасин топмас эл.**

**Ҳайдар ХОРАЗМИЙ**

Заҳмат чеккан лаззатни яхши билади.

**"ОТАЛАР СЎЗИ"**

**Дарахт бесамар ўлса боғида,**
**Боғбон танида қолмағай ҳаловат.**

**Дилшоди БАРНО**

Вазифаси юксак одамнинг хизмати ҳам кўп бўлади. Заҳмат чекмаган хушбахт бўлмайди. Ҳалол меҳнат билан топилган ва хайрли ишларга сарфланган бойликдан кўра яхшироқ бойлик йўқ!

**"ОТАЛАР СЎЗИ"**

**Маҳмуд ХАСАНИЙ,**
**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган**



Кенг ва равон кўчаларда юриш нақадар завқли.

**Наталья Семёнова олган сурат.**

*Тиббиёт ажойиботлари*

**ТИББИЁТДА ҒАРОЙИБ ВОҚЕАЛАР БЎЛИБ ТУРАДИ, БАЪЗИ СОДИР БЎЛГАН ҲАЁТИЙ ЛАВҲАЛАРНИ ЎҚИБ ЁХУД ЭШИТИБ ҲАЙРАТДАН ЁҚА УШЛАЙСАН.**

## ЎҚДОН МИЯ

1971 йилда Мистер Уильямс исмли Сан-Францискода яшовчи 57 ёшли кишига тунги пайт тўсатдан босқинчилар ҳужум қилади. Йўлтўсарлар Уильямсни тунашганларидан сўнг тезда ғойиб бўладилар. Фавқулодда ҳужумга учраган йўловчи тегишли меҳмонхонага етиб келадида, ўз хонасида ухлаб, кечани ўтказади. Эртасига у ҳар қалай саломатлигини билиш учун жарроҳга учраганида, шифокор уни рентгенга тушишга ундайди. Таҳлил учун зарур экан, деган ниятда Уилъямс рентген тасвиридан ўтади. Воажаб, миянинг рентген суратида аниқ ва равшан бешта ўқ қадалиб турар эди. Қаранг-ки, барча одамнинг аъзои-раисалари фаолиятини таъминлаб, ишини тергаб турадиган мия марказлари отилган ўқлар билан шикастланмаган экан. Бундоқ қараганда, Уильямсга теккан ўқларнинг ҳар бири ҳаёт билан видолаштириши мумкин бўлган.

Кишини ажаблантирадиган нарса шундаки, хавфли ҳужумга учраган бечора Уильямс ҳеч нарса бўлмаганидек, ўзини соғлом ҳис этаверган.

**Маннон НАБИЕВ**
**тайёрлаган**

*Футбол*

## ШАРТНОМА АМАЛГА ОШМАДИ

**ЎТГАН ЙИЛГИ МАВСУМДА ОСИЁНИНГ ИККИНЧИ РАҚАМЛИ ФУТБОЛЧИСИ ДЕБ ТАН ОЛИНГАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ ҲУЖУМЧИСИ, КИЕВНИНГ «ДИНАМО» КЛУБИ АЪЗОСИ МАКСИМ ШАЦКИХ ЖОРИЙ ЙИЛДА ҲАМ ЎЗ ЖАМОАСИ САФИДА ТЎП СУРАДИГАН БЎЛДИ.**

Гап шундаки, Англия премьер лигаси шарафини ҳимоя қиладиган «Вест Бромвич» жамоаси мураббийлари ҳамюртимизни ўз сафларида кўришни хоҳлашаётганди. Ҳатто, англияликлар Шацких учун икки миллион евро микдоридаги маблағни таклиф қилишди. Шуниси қизиқки, трансфер муддати тугагунга қадар тайинли жавоб бермаган «Динамо» раҳбарияти бу таклифга рад жавобини берди. Демак, ҳозирда Исроилда киевликлар сафида машғулот йиғинларида қатнашаётган ҳамюртимиз Англия яшил майдонида тўп сурмайди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Спорт*

## «ПАРВОЗ»ИНГ ЮКСАК БЎЛСИН

**МАЪЛУМКИ, САЛОМАТЛИКНИНГ АСОСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТГА БОҒЛИҚ. ҲАР БИР СПОРТГА ОШНО ИНСОН ЎЗ ҲАЁТИНИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ БИЛАН БОЙИТГАН БЎЛАДИ. БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА СПОРТ СОҲАСИГА ЕТАРЛИЧА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН. ЯНГИ СПОРТ КЛУБЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ, ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ҲАР БИР СПОРТ ТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА ҚИЛИНАЁТГАН АМАЛИЙ ИШЛАРДАН ҲАМ БУНИ ЯҚҚОЛ БИЛСАК БЎЛАДИ.**

Бу йил Тошкент Давлат авиация институти қошидаги «Парвоз» спорт клубининг ташкил этилганлигига бир йил тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Тошкент Давлат авиация институти ўзаро ҳамкорлигида анжуман бўлиб ўтди.

Спорт клубининг ҳисоботи ва Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўтказилган ушбу анжуманда институт ректори, спорт клубининг президенти Мурод Икромов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг раиси Баҳодир Тожиев, шунингдек оғир атлетика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Эркин Каримов, спорт журналисти Ахбор Имомхўжаевлар сўзга чиқиб, мамлакатимизда спортга қаратилаётган эътибор, ёшларнинг эришаётган ютуқлари, шунингдек «Парвоз» спорт клубининг фаолияти тўғрисида гапириб ўтдилар.

— Спорт бирдамликка чорлайди. Спорт — тинчлик элчиси ҳисобланади, — деди жумладан Ўзбекистон спорти фахрийси Эркин Каримов. — Бугун «Парвоз» спорт клуби ташкил этилганига бор-йўғи бир йил тўлган бўлсада, эришилган ютуқлар билан фахрлансак арзийди. Айниқса ёшларимиз, яъни институт талабаларининг спортга бўлган қизиқишлари, улар эришган марралар эътиборга лойиқ.

— Мен ушбу спорт клубида қатнашиб, устозларим йўл-йўриқлари, кўрсатмаларига амал қилиб, қўл жанги бўйича республика чемпионлигини қўлга киритдим, — дейди биз билан суҳбатда институтнинг 2-курс талабаси Светлана Балова. — Келгусида ўз устимда тинимсиз ишлаб, бунданда катта ютуқларга, улкан марраларга эришиш ниятидаман. Бунда эса албатта устозларим ва «Парвоз» клуби ҳар доим кўмакдош бўлади.

Бўлиб ўтган ҳисобот анжуманида институтнинг юқори кўрсаткичларга эришган спортчи талабалари тақдирланди. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида амалга ошириладиган ишлар режаси тасдиқланди ҳамда «Парвоз» спорт клуби спортчиларининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**ХАЛҚ ОРАСИДА САРИҚ КАСАЛЛИГИ ДЕБ НОМЛАНГАН ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ ИНСОНИЯТГА ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДАН МАЪЛУМ. КЕЙИНГИ 15-20 ЙИЛ ИЧИДА БУ КАСАЛЛИК ОДАМЛАР ЎРТАСИДА БИРМУНЧА КЎП УЧРАЙ БОШЛАДИ. КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ТЎҒРИ ДАВОЛАШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ УЧУН УШБУ КАСАЛЛИК ТЎҒРИСИДА ЕТАРЛИ ТУШУНЧАГА ЭГА БЎЛИШ КЕРАК. ЧУНКИ БУ КАСАЛЛИК ҲАҚИДА ЕТАРЛИ МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛМАЙ ТУРИБ УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚИЙИН. ВАҲОЛАНКИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ МИКРОБИ БИЛАН ИНСОН ЎРТАСИДА ҲАҚИҚИЙ КУРАШ КЕТАДИ.**

*Шифокор огоҳлантиради*

## ЮҚУМЛИ САРИҚ КАСАЛЛИГИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Юқумли сариқ касаллигини келтириб чиқарувчиси жуда майда микроблар — вируслар бўлиб улар оддий микроскопларда кўринмайди. Бу вируслар ташқи муҳитда жуда чидамли бўлиб қайнатилганда 30-40 дақиқадан сўнг ҳалок бўлади, ваҳоланки жуда кўп микроблар қайнатилганда 1-3 дақиқада ўлади. Бундан ташқари ушбу вируслар совуққа ва турли дезинфекцияловчи моддаларга ҳам чидамлидир. Шунинг учун атрофдаги буюмлар — кийим-бош, кўрпа-тўшак, идиш-товоқларни етарли даражада дезинфекция қилишга катта аҳамият бериш керак.

Бугунги кунда юқумли сариқ касаллигининг асосан икки тури кўпроқ учрайди. Булар «А» ва «В» турларидир. Уларнинг юқиш йўллари ҳам турличадир. Касалликнинг А турида вируслар беморнинг сийдиги ва нажаси орқали ташқарига чиқади. Ундаги микроблар атроф-муҳитни — сувларни, озиқ-овқатларни, мева-чеваларни, сабзавотларни ифлослантиради. Уларни етарли даражада қайнатмасдан, ювмасдан истеъмол қилинса касаллик юқиши мумкин. Бемор билан мулоқотда бўлгандан сўнг, овқатланишдан олдин, ҳожатхонадан чиққандан сўнг қўлни совун билан яхшилаб ювиш зарур. Кейинги пайтларда халқимизга хос бўлмаган одат кишиларни бир-бирлари билан ўпишиб кўришишларининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу бир қатор касалликларнинг юқишига сабаб бўлиши мумкин.

Сариқ касаллигининг "В" тури қон орқали юқади. Бунга сабаб етарли даражада дезинфекция қилинмаган тиббий асбоб-ускуналар бўлиши мумкин, иккинчидан бемор билан яқиндан мулоқотда бўлиш, уй ёки кўча шароитида қўлларидаги майда тирналган ёки кесилган жойлар орқали сартарошхоналарда соч-соқол олдирилганда, маникюр қилинганда ҳам юқиши мумкин. Касалликнинг вируси соғлом одам организмига тушгандан сўнг хасталик 2-4 ҳафтадан тортиб 6 ой ичида намоён бўлади. Касаллик вируси аста-секин бошланади. Бемор қувватсизланиб, тинкаси қурий бошлайди, иштаҳа пасаяди, кўнгил айнайди, қоринда ўнг қовурға соҳасида оғриқ сезила бошлайди. Баъзи беморлар оёқ-қўл бўғинларида оғриқ сеза бошлайдилар. Касаллик баъзан гриппга ўхшаб бошланади — тана ҳарорати кўтарилади, қуруқ йўтал, томоқ оғриши ёки тумов кузатилади. Шунинг учун кўп беморлар сариқ касаллигининг бошланиш даврини тумов, грипп ёки бирор ёқмас овқат ейилган деб ўйлаб ўз вақтида шифокорга мурожаат қилмайдилар. Фақат сийдикда қизғиш сариқлик пайдо бўлганидан кейингина шифокорга борадилар. Натижада касалликнинг хавфли бошланиш даври ўтказиб юборилади. Бу даврнинг хавфлилиги шундаки, бемор айни шу пайтда (7-8 кун ичида), атроф-мухитга энг кўп вирус тарқатади, иккинчидан кечикиб даволаш ишлари бошланганда беморнинг тузалиши чўзилади ва турли асоратлар юзага келиши мумкин.

Касаллик бошлангандан 7-8 кундан сўнг беморнинг бадани сарғаяди, жигари катталашади, ҳолсизланиши кучаяди, кўнгил айниши, қусиш ҳоллари кузатилади. Бундай ҳол 2-3 ҳафта давом этади ва сўнг аста-секин тузалиш даври бошланади. Агарда бемор шифохонага кечикиб келган бўлса маълум тартибда қоида ва парҳезга риоя қилмаса турли оғир асоратлар келиб чиқиши мумкин. Асоратлар ичида энг оғири жигар фаолиятининг ўткир етишмаслигидир. Бунда беморнинг беҳоллиги кучаяди ёки у безовта бўла бошлайди, қусиш кўпаяди сариқлик ортади ва оқибат бемор ҳушини йўқотади. Зудлик билан даволаш ишлари кучайтирилмаса бемор ҳалок бўлиши мумкин. Иккинчи хавфли асорат — касалликнинг сурункали турига ўтиши. Бу эса оқибатда жигар циррозига олиб келади. Касаллик айниқса ёш болаларда ва ҳомиладор аёлларда оғир ўтади.

Сариқ касаллигини даволашда кўпчилик ўз ҳолича турли дори-дармонлар тавсия қилади ёки ўта зарарли бўлган йўллар тутадилар. Булар тил тагини кесиш, беморнинг сийдигини ичириш ва ҳатто битни ҳам қатиққа қўшиб ичириш ҳолларидир. Бу нарсалар мутлақо зарарлидир. Сариқ касаллигининг асосий давоси беморни ўз вақтида шифохонага ётқизиб, режим ва парҳезга риоя қилишдир. Дори-дармонлардан энг зарурларини бериш кифоя.

Кейинги пайтларда шифохоналарда доривор ўсимликлар кенг қўлланилмоқда. Парҳез ушбу касалликда жуда катта роль ўйнайди. Бир қатор овқатлар борки, сариқ касаллигида уларни истеъмол қилиш мутлақо мумкин эмас. Улар жумласига қўй гўшти, мол ёғи, дудланган балиқ ва колбаса, турли гўштли консервалар, спиртли ичимликлар киради. Беморга сутли таомлар, мол гўштидан ва турли сабзавотлардан тайёрланган таомлар, олма, узум, лимон тавсия этилади.

Энг яхшиси касалликнинг олдини олиб, унинг юқишига йўл қўймасликдир. Бунинг учун кўп нарса керак эмас. Шахсий гигиенага риоя қилиш, сувни қайнатиб истеъмол қилиш, мева-чеваларни ювиб истеъмол қилиш, ахлатларни ўз вақтида йўқотиш, пашшаларни йўқотиш ва касаллик белгилари пайдо бўлган замон шифокорга мурожаат қилиб беморни зудлик билан шифохонага ётқизишдир.

**Раъно НАЗИРОВА,**
**олий тоифали шифокор.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«НАВРЎЗ ДЕҲҚОН БОЗОРИ»**
**ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

«Наврўз деҳқон бозори» ОАЖ Кузатув кенгашининг қарорига биноан 2006 йил 15 февраль куни акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий мажлиси қуйидаги манзилда ўтказилади:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти биносининг мажлислар залида. Мажлиснинг бошланиш вақти соат 11.00. Акциядорлар соат 10.00 да рўйхатдан ўтадилар.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Жамиятнинг низом жамғармасини ошириш ҳақида.
2. Жамият низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

Эслатма: Умумий мажлисга доир материаллар билан акциядорлар Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси «Бўз» бозорида жойлашган жамият идорасида танишишлари мумкин.

Мажлисда акциядорлар реестрининг 2006 йил 28 январь ҳолатига кўра унга кирган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариусда тасдиқланган ваколатнома бўйича) қатнашишлари мумкин.

Кузатув Кенгаши

**АВЕСТО ТАҚВИМИГА КЎРА, БУГУН АНЪАНАЛАРНИ ТИКЛАШДА ОМАД КУЛИБ БОҚАДИГАН, БОШҚАЛАР БАХТИ УЧУН ФИДОЙИЛИК ХАЙРЛИ БЎЛАДИГАН КУН. ИККИНЧИ БИР МУНАЖЖИМ ФИКРИГА КЎРА, БУ СЕШАНБА ЎЗ АНЪАНАЛАРИГА ЧИҚИШ, ТАҚДИР ХОТИРАЛАРИНИ ИШГА СОЛИШ, МАЪНАВИЙ ЭРКИНЛИКНИ КЎЗЛОВЧИ ЎЗ-ЎЗИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ КУНИДИР. ЯНА МАЗКУР СЕШАНБА ЭРИШИЛГАН МУВАФФАҚИЯТЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИГАН КУН ҲАМДИР.**

*Мунажжим башорати*

## ЎЗГАРИШЛАР САРИ БУРИЛИШ КУНИ

**7 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА**

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мунажжим С. День бугун кўпчилик инсонлар ҳаётида бурилиш куни деб ҳисоблайди. Кўпинча биз, дея фикрини баён этади у, ўзлигимизда юз бераётган ўзгаришларни пайқамай қоламиз, фақат ташқи аломатларга қараб мушоҳада юритамиз. Аслида бугун бўладиган воқеа-ҳодисаларнинг барчаси, ҳатто уларнинг салбийлари ҳам янгиланиш жараёнининг давом этишига хизмат қилади.

Уйда кўзгунинг, ойна ёки шиша идишнинг синиши, соатнинг тўхтаб қолиши нохушлик аломати ҳисобланади.

Бу кеча тушларни "буюртма" асосида кўриш мумкин. Фақат саволни тўғри қўйиш керак бўлади. Тушда итлар ва отларни кўриш яхши, парранда ва яланғоч одамларни кўриш – нохушликка ишора. Лекин, умуман, бугунги кеча тушлари қатъиян индивидуал асосда таъбир қилинади.

Бугун нафас йўллари ва асаб тизими, қўл кафтлари ва бармоқлари заиф ҳолатда бўлади. Кўзларни зўриқтирмасликка ҳаракат қилинг. Кўпроқ суюқлик, айниқса маъданли сувларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Кийимлардан кўк-яшил тусли матолардан тикилганлари омадли бўлади. Сариқ, қизил ва қора ранглардан узоқроқ бўлинг.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-406

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5218 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 . 6